

ЖАЛҚ СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан



Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

28 ОКТАБЬР, ЧОРШАНБА. № 210 (461).

Сотувда эркин нархда

1992 йил

«ТАШХИМСЕЛЬМАШ», «ЧИРЧИҚСЕЛЬМАШ», «ЎЗБЕКМЕТАЛЛУРГИЯ»

КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ 87 ФОИЗИ ЯРОҚСИЗ ДЕБ ТОПИЛЯПТИ

Ҳозир чет эл ишбилармонлари билан қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий мамлакатлардан келтириладиган ва ўзинида мавжуд бўлган юқори сифатли ускуналардан унумли фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни амалда таъминлашда асосий омиллардан бири эканлигини рад этиб бўлмайди.

Корхоналаримиз ишлаб чиқариш восита ва жиҳозларнинг бирмунча эскириб қолганини, улар бозор иқтисодиёти талаблари етишмига, халқ хўжалиқларининг етарли даражада қондиришга тўғри бўлиб қолмагани, Бугун республикамиз корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш восита ва жиҳозларнинг қарийб 40 фоизи эскирганлиги чиқариладиган махсулотлар сифатида салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Масалан, 1992 йилнинг биринчи ярмида республикамиз товарлар сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан савдога келатган молларнинг 30 миллион сўмдан кўпроғи сифатсиз ва ностандарт бўлганлиги туғайли сотувга чиқарилиши тўхтатилган. Ёни текширувдан ўтказилган тайёр кийимларнинг 70, тўқилган буюмларнинг 81, чарм пойабзалларнинг 66, матоларнинг 29, қандолат ширинликларнинг 63, мева-сабзавот консерваларининг 55, ўсимлик мойининг 42 фоизи ва бошқа турдаги саноат, озиқ-овқат моллари сифатсиз, ностандарт эканлиги аниқланган.

Маълумотларга кўра республикамиздаги йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган махсулотларини ҳам сифатли, турмуш талабига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Давлат инспекцияси томонидан йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва савдо ташкилотларига юборилган махсулотлардан текширилганига нисбатан 87 фоиз сифатсиз эканлиги маълум бўлди. Бу махсулотларнинг аксари миқдори «Ташхимсельмаш», «Ташэлектромаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиқсельмаш», «Ўзбекметаллургия» ва Асака принципал заводлари чегина тўғри келди. Ана шундай бир шартда республикамизда саноат корхоналарида катта валюта ва сўм ҳисобига келтирилган қимматбаҳо ишлаб чиқариш ускуна ва жиҳозларни ўрнатилмай қолиб яроқсиз ҳолга келиши ачинарлидир. Уларнинг миқдори камайиши ўрнига 24 фоизга ошиб кетган. Республика истиқболлини белгилаш ва статистика давлат комитетининг маълумотига кўра уларнинг нархи 155,8 млн. сўмдан охиш миқдори ташкил этади.

Ўзбекистон Автомобил ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги концернига қарашли заводларга республика бўйича ўрнатилмай ётган қимматбаҳо замонавий ускуналарнинг 19 фоизи тўлалиб қолган. Ўзбекистон енгил саноати уюмлари корхоналари оморларида 26,7 миллион, Алоқа вазирлиги хўжалиқларида 24,2 миллион, Қишлоқ хўжалик вазирлиги хўжалиқларида 19,8 миллион сўмлик ҳар хил нобў ускуна ва ишлаб чиқариш жиҳозлари билан фойдаланилмайдиган ёки айриларини хўжасизлик билан сақлашни оқибатида талон-торож қилинмоқда. Бундай аҳвол ҳалқ хўжалиқининг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд.

Самарқанд консерва заводида 1989 йилда ўрнатилган 24 миллион сўмлик ускуналар ҳанузгача ишга туширилмай қолиб келмоқда. «Самарқандхитрий» бошқармаси қарамонига 1984 йилда келтирилган 81,5 миң сўмлик нобў ускуналар фойдаланилмай ташлаб қўйилган. Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш биришмасида ўрнатилмай турган ускуналарини сақлашга бепарволик билан қаралиши оқибатида Германиядан келтирилган қранлардан 3600 сўмлик 2 та даягетель ўйрилган, қопларини тикувчи аппаратларнинг қисмлари талон-торож қилинган. Хўжаликни келтирилган 7 миң сўм зарар ўз вақтида бепарво қараган ошкор мудири Р. Старостина ва прораб Т.

Грибуллардан Қирғули туман прокурори даъво аризасига биноан ундириб олинди, бошқа айбдорларга ҳам қонуний чоралар кўрилди.

Қаشقарде вилоти Усмон Юсупов туманига қарашли «Тошкент» номи давлат хўжалигида иккита автоюкловчи мослама хўжасизлик билан сақлашни оқибатида мутлақо яроқсиз аҳволга келган. Бунда айбдор бўлган маъсул ходим А. Ҳамроев жазони жавогарликка тортилиб, келтирилган 10 миң 800 сўм зарар ундириб олинди.

Катта маблағ сарфлаиб, республикамиз корхоналарида келтирилган техника, ускуна ва жиҳозлар барча вилотларда фойдаланилмай, хўжасизлик билан сақланиб келинмоқда. Фарғона вилоти хўжалиқларида 4,3 млн. сўмлик ишлаб чиқариш воситалари ишга туширилмаган. Сирдарё вилотида эса 1990 йилга нисбатан бундай жиҳозлар миқдори 18 фоизга кўпайиб, 5,4 млн. сўмга етган.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар айрим корхоналарда ҳатто ҳисоб-китобдан яшириб қўйилган ускуна ва жиҳозлар ҳам мавжудлигини очиб ташлади. Масалан, Сирдарё вилоти электр тармоқлари бошқармасида 520,3 миң сўмлик, Тошкент вилоти Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалиқини механизациялаш Урта Осиё ишлаб чиқариш биришмасида 26,4 миң сўмлик ана шундай ускуналар мавжудлиги аниқланди. Бу хўжасизлик, бепарволик ва интисомсизликларга нисбатан қонуний таъсир чоралари кўрилди.

Республика прокуратура органлари томонидан ўтказилган кенг қамровли текширишларда 50 дан ортиқ хўжалик раҳбарлари расмий оғохлантирилди, қонунлар бузилиши олдиди олиш талаб этилиб, 20 дан ортиқ амриюма берилиди, айбдор шахслардан етказилган зарарининг 70 миң сўмдан ортиқини ундириб олинди. Прокуратура томонидан Хоразм вилоти Бөгөт туман йон махсулотлари комбинати директори А. Якубов расмий оғохлантирилди. У раҳбарлик қилган комбинатда 1988 йил декабр ойида Германиядан 20,8 миң сўм сарфлаб келтирилган нобў ускуналар ўрнатилмасдан ҳанузгача қаровиз ташлаб қўйилган. 1989 йилда Бухоро вилоти Жоидор тумани М. Таробий номи жамоа хўжалиқ сўтовчи фермасига келтирилган 164,5 миң сўмлик емаҳшакни қайта ишловчи асбоб-ускуналар хўжалик раисси Г. Қурбонов ва бош муҳандис С. Ражабовнинг маъсулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида ҳозиргача ўрнатилмай ва фойдаланилмай келмоқда. Туман прокурорлари томонидан бу шахслар расмий оғохлантирилди, бу ускуналарни тезда ўрнатиш ва ишга тушириш талаб этилди.


Аниқланган хўжасизликларга барҳам бериш чоралари қўрилмоқда. Бир қисми ускуналар қайта тақсимланади, улардан қалқ хўжалиқига тузатишлар фойдаланишга йўналтирилган тадбирлар амалга ошириштириш устидан назорат қўйилган. Лекин ёки қачонгача қонуни кучи ёки прокурор «қамчи» остида ишлайми, Хўжасизлик тараққиётини тўсиган эканлигини маъсул шахсларга уқтириб туриш шартми? Бундай аҳволга қарши кураш барча мухтаassisларнинг, айниқса корхона раҳбарларининг вазифаси эканлигини, бундайлар билан қонуни ҳам, халқимиз ҳам келишиб ўтирамадиларини ҳис этишни ҳоҳлар экан.

В. ҚОСИМОВ, республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи.

Ишонч ёрлиғи топширилди

Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Брайн Фолл мамлакатимиз Президенти Исрол Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев ҳозир бўлди.



(ЎзА).



Голландиялик меҳмон президент ҳузурда

Мамлакатимиз Президенти Исрол Каримов Голландиянинг «Аес» фирмаси президенти К. Аальберснинг қабули қилди. Самимий ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик махсулотлари, хусусан, картошка билан таъминлаш ва бунинг учун Голландиянинг картошка етиштириш борасидаги илғор технологиясини республикамиз шартинга мослаштириш ҳақида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

НИДЕРЛАНДИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

27 октябрь кунини Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков Нидерландиянинг «Аальберс» европ консалтинг фирмаси президенти К. Аальберс билан учрашди.

Сўхбат чоғида Европадаги йирик савдо-сотиқ ва маҳсулот хизматлари билан шўғулланувчи фирманинг Ўзбекистон давлат иқтисодий тузилма билан келгусидаги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Нидерландиялик ишбилармонлар республика иқтисодиётини, жумладан унинг деҳқончилик — саноат мажмуини юксалтириш ишда мазкур фирма лойиҳаларидан фойдаланишни таклиф қилди. Базини хўжалиқларида неча йиллардан бери голландча технология асосида картошка етиштирилади. Шу туғайли одатдагидек бир ярим икки бағравар кўп ҳосил олинмоқда. Ҳозир «Аальберс» европ консалтинг фирмаси Габрий Европанинг қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ускуналарини

Ўзбекистон шартинда анча катта майдонларда жорий этиш самардорлигини текшириб кўришни таклиф қилмоқда. Фирма Ўзбекистонга келгуси йил кўламда 75 миң тонна уруғлик картошка етказиб беришга тайёр эканлигини билдирди. Бу эса 25 миң гектар ерга картошка экиш имконини беради. Қимматбаҳо махсулот етиштириш ва териб олишнинг замонавий технологиясидан фойдаланиш чет эллардан картошка харид қилишни анча қамайтиришга имкон беради. Учрашу чоғида деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари

да ҳам ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган қайд этиб ўтилади. Голландия фирмаси вакилларининг делегацияси Ўзбекистонда 30 октябргача бўлади. Бир қанча маблағдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда ишлаш тўғрисида аниқ битимлар тузиш масалалари муҳокама қилинади. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, базин республика вазирликларининг раҳбарлари қатнашдилар.

[ЎзА мухбири].

Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

БРАЙН ФОЛЛ



1937 йил 13 декабрда туғилган. Лондондаги Мухаддас Павел мактабда таълим олган, сўнг Магдален, Оксфорд коллежларида ўқиган. Минчиган дорифунни (АҚШ) ҳуқуқшунослик мактабни тугаллаган. 1962 йилда — дипломатия хизматини бошлаган. 1963 йилда — Ташқи ишлар вазирлиги БМТ бўлимида ишлаган. 1965 йилда — Москвага хизматга юборилган. 1968—1970 йиллар — Женевада, Буюк Британиянинг БМТ вазирлигида ишлаган. 1970—1971 йиллар — Фукарлар хизмати коллежи курсининг раҳбари. 1971—1975 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги Шарқий Европа мамлакатлари ва СССР бўлимида, Габрий таш-

килотлар бўлимида ишлаган, Хельсинкида Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги бўйича тайёрлаш музокавалари Британия хайъати бошлиғи. 1976—1977 йиллар — Харвард дорифунни халқаро ишлар марказида ишлаган. 1977—1979 йиллар — Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасида сийбик маслаҳатчи. 1979—1980 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги энергетика, фан ва фазо бўлими раҳбари. 1980—1981 йиллар — Шарқий Европа ва СССР бўлими раҳбари. 1981—1984 йиллар — ташқи ишлар вазирининг шахсий котиби. 1984—1986 йиллар — НАТО Бош котиби маҳкамасининг мудири. 1986—1988 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги ўринбосарининг ҳамкорлик мамлакатлари масалалари бўйича ёрдамчи. 1989—1992 йиллар — Канадада олиқ комиссар (элчи). 1992 йил сентябдан — Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси. Қароғохи Москвада. Оилали, уч фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

РЕСПУБЛИКА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

26 октябрь куни Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулкан Чоғур Туркия Республикаси эътибор қилинган кунининг 69 йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Малайзия киноси — Ўзбекистон экранларида

Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларининг XI халқаро кинофестивали хотиралари ҳали тошкентликларнинг эсидан чиқмади. Ўзбекистон пойтахтининг маданий турмушида ян бир воқеа — Малайзия кино ҳафталиги бошланди. Республика кино уйда 26 октябрь куни ҳафталиқнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Малайзия киносининг ар-баоблари гарчи Тошкент киносини анжуманига хозирлик қўрган бўлсалар ҳам, ўзларига боғлиқ бўлмаган «сабабларга» кўра унга кела олмагани эди. Бир ҳафта давомиде улар Ўз мамлакатининг кинематографиясини соҳасидаги ютуқлари билан Ўзбекистонликларини таъиништиридилар. Ҳозирча Малайзия киноси республикамизнинг кўпчилик тамонашларига унчалик маълум эмас. Ҳозир Осиё Тинч океан минтақасидаги энг тараққиёт этган давлатлар жумласига кирувчи бу мамлакат миллий кинематографияни ривожлантиришда ҳам шаҳадат олдир қўймоқда. Мамлакат кино усталари Тошкентда олтига бадий фильм олиб келишди, бу фильмлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Чирчиқ, Олмалик республикамизнинг бошқа шаҳарлари киноэвратлари экранларида кўрсатилади.

Ленталарни кўрсатишдан аввал Малайзия кинематографияси арбоблари билан учрашувлар бўлади. Улар орасида кўпгина «экран юлдузлари» бор. Ҳафталиқнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исрол Каримовнинг

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкент шаҳри, 1992 йил 27 октябрь.

И. КАРИМОВ.

Конституция лойиҳаси



МУКАММал БЎЛСИН

ИЛК бора Москванинг муҳташам хоналарида тўйилмаган асосий қонуни лойиҳаси эълон қилинди. Унинг муқоамасида шу ватан тупроғида киндик қони тўкилган ҳар бир киши фаол иштирок этмоғи зарур.

Зеро, юрт тақдирини лойқабдан оғирроқ гуноҳ бўлмаса керак. Шунинг учун мен ҳам фикр-мулоҳазаларим билан ўрнатилган лойиҳани тўқиб, уларни мухтасар изоҳлаб ўтишни истардим. Хуқуқий давлат курмоқчи ва маҳакали парламентга эга бўлмоқчи эканмиз, у доимий ишлайдиган олий қонунчилик идорасига айлانмоғи даркор.

Таклиф этилган жумлада «қуддалик» сўзи орттича. Кейинги жумла: «Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлаш ва лавозимларидан озод қилиш ҳақидаги таклифни тегишли қўмига билан келишим ҳолда Олий Мажлис ҳуқуқига ҳавола этади», — тарзда ёзилган керак.

74-модда «Ўзбекистон Республикасининг доимий ишлайдиган олий мажлиси хуқуқий сайлов олувчилари бўлиши шартлиги асосида беш йил муддатга сайланган 150 нафар депутатдан иборат бўлади» деб ёзилса, мақсад янада аниқлашди.

92-модданинг 4-банди «Музокара олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси доимий шартномалари имзолайди» тарзда ёзилса, ёмон бўлмайди. Чунки битта томоннинг ўзи шартнома тузолмайди. Холбуки, лойиҳада: «...Ўзбекистон Республикасининг шартномаларини имзолайди», — дейилган.

11-банд Президент лавозими (тутган макенга) тўғри келмайди, мос эмас. Наҳотки, давлат бошлиғи туман, шаҳар ва хўжалик судларини тайинласа?

11-банд Президент лавозими (тутган макенга) тўғри келмайди, мос эмас. Наҳотки, давлат бошлиғи туман, шаҳар ва хўжалик судларини тайинласа?

83-модданинг олтинчи бандида Олий Мажлис Раиси: «Олий Мажлисининг матбуот органлари фаолиятига қўндалик раҳбарлигини амалга оширади... Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимлардан озод қилади», — дейилган.

95-модда эса: «Ўзбекистон Республикасининг Президентини таъинловчи орган бўлиши шартлиги асосида беш йил муддатга сайланган 150 нафар депутатдан иборат бўлади» деб ёзилса, мақсад янада аниқлашди.

Файратжон ВОЛТАБОВЕВ.

ЭКОЛОГИК МУҲИТНИНГ МУСАФФОЛИГИ КАФОЛАТЛАНИШИ КЕРАК

Шубҳасиз Конституция лойиҳаси уз моҳияти эътибори билан ҳар бир инсоннинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган.

Шундай экан бу мантиқ яққорроқ акс этса тўғри бўларди. Масалан, «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» деб аталувчи IX бобнинг 41-моддасида «аҳолининг энг ноқура қатламлари» мекнат қилиш, дам олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ва уй-йўри билан таъминлашда давлат томонидан ижтимоий муҳофазат этилиши керак» деб кўрсатилганини таклиф этмак.

кўшимча қилиш мақбул бўларди: «Экологик муҳитни бузувчилар қонунга асосан навоҳарликлар». Шубҳасиз оқоланга экологик муҳитни яратиб давлат томонидан кафолатланиши лозим. Шунинча «давлат инсон учун оқоланга экологик муҳитни таъминлаш шарт» деб қўшиб қўйилгани тарафдорим.

М. АБДУЛЛАЕВА, Э. ҲОШИМОВА, фалсафа фанлари докторлари.

ОБУНА — 93

ҲОКИМ ФАРМОН БЕРДИ

Янги йил учун обуна давлатимизнинг сир бораётгани сир эмас.

Унда иштирок этган хўжалик раҳбарларининг Ҳисоботлари тингланди. Ҳозир раёнда кам маош олаётган оидларни хўжалик ва ташкилотлар ҳисобидан бепул обуна қилиш чоралари изланаётган. Келгуси йиллардан бошлаб раёнда обуна жағмарасини ташкил этиш режалаштирилди.

М. МАРДНОВ.



Вилоят маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Уйчи сиров-тажриба халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхонаси йилга йигирма турдаги 23 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Корхона маҳсулотига талаб катта бўлганидан ўтган ойлар ичида режадаги ўн миллион сўм ўрнига ўн беш миллион 79 минг сўмлик ҳолатбарор маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Уйчи сиров-тажриба корхонаси яқиндан бошлаб Фарғона газ заводи билан ҳамкорликда аҳолига жуда зарур бўлган газ плиталарини ишлаб чиқара бошлади. Йил бошидан буён икки минг донага яқин газ плиталари ишлаб чиқарилиди. Бу эса уч миллион сўмлик маҳсулот демакдир.

СУРАТЛАРДА: — қолиплаш цехининг қолипловчиси Роҳатой Жўраева ва слесарь-йгувчиси Мақсудхон Тўрақуллова иш устида.

Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.

Мустақиллик шарафати

БЕШ ЮЗ ЙИЛЛИК АЙРИЛИҚДАН СЎНГ...

БАТАНДАН йироқда, она юрти қўмсаб дара-алам чекан, ўзининг ўгли сўзларини, сонининг эхтиросли шеърлар қатига жўлаган наҳасига қадар Андижонда талинли яшайди. Қўнра юрт тупроғига бош қўймоқ улуг бобоимз учун армонга айланди. Шунқар бўлинки, мустақиллик шарафати ила унинг руҳи тўғилган юртга кириб келди. Қуни кеча Андижоннинг «Боти шамол» муқаддас тупроғидан олиб дам олиш масканида Бобурнинг рамзий қабри қад ростлади. Шунчаки эмас,

раҳбарлари, имом-хатиблар, ижодкорлар келдилар. Маросимда муқаддас тупроқни қабрга қўйиш ҳаяжонли кечди. Табарқур вазира бажариш шарафи экспедиция аъзоси, тарих фанлари номзоди, журналист Собиржон Шокаримовга насиб этди.

Ингирда вилоят ҳокими Қайом Холмиров эса сўзга чиқиб, «Боти шамол» Бобур номи халқро ботга айланган шарафатининг таъкидлади. Келгуси йилда ишониланган Бобур таваллудининг 510 йиллигига андижонликлар алоҳида тайёргарлик қўймоқдалар. Ботга музей ва ҳибон қад ростлаш кўзда тутилган.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САҲНАДА МИЛЛИЙ ЭСТРАДА

Навоий шаҳар маданият уйи қошидаги «Наврўз» эстрада гуруҳи ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ.

У ўз жамоасига иқтидорли ёшларни бириктириб, халқ орасида шўҳрат қозона бошлади. Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятида кўп-кўп концерт дастурларини намойиш этиб, томошангилар олқисига сазовор бўлди. Улуғбек Эшбутаев раҳбарлигидаги макур эстрада дастаси қуни кеча Афғонис-

тон бўйлаб ўтказилган сафардан қайтиб келди. Хаваскор артистлар Афғонистон сафари давомида бир қанча санъаткорлар билан дўстлашдилар, афгон халқининг қуввоқ қуй ва қўшиқларини ўргандилар.

«Наврўз» жамоаси ўзбек, тожик, афгон қуй ва қўшиқларидан иборат янги дастурини Нурота район чўпонлари, Хатирчи район пахтакорлари ҳузурда намойиш этиб, уларни кўп хушнуд этдилар.

С. СИРОЖИДИНОВ.

Саҳоват соҳиблари

БИРИНГИЗ ИККИ БЎЛСИН

БИРИНГИЗ ИККИ БЎЛСИН

БИРИНГИЗ ИККИ БЎЛСИН

Одамларга яхшилик қилиш, қийин даьларда имдал бўлиш, хайр-аҳсон ишлари ота-боболаримиздан ўтиб-келатган урф-одатларимиздир. Бундай меҳр-мурувватли, саҳоватли, кишилар Наманган шаҳрида ҳам тобора кўпайиб бориши дилларни қувонтирмоқда. Ана шундайлардан бири Темирхон Муҳторовдир.

Т. Муҳторов бошлиқ савдо базасида турли ёлдамчи хўжаликлар яъни тикувчилик цехи, ғишт заводи, соғломлаштириш қопонаси, бензин сотувчи дўкон, ошхона, чойхоналар мавжуд бўлиб, бу шохбачалардан тушган соф фойда ҳисобига шаҳардаги қарияларга, фахрий ота-оналарга, маҳаллардаги кўп болалик онахоналарга кўмак берилайти. Шу жумладан шаҳар автобуслари ҳафтанинг жума кунлари улар учун бепул қилинади. Уядан ташқари шаҳар мактабларининг 100 та аълочи ўқувчиларига маълум миқдорда доимий стипендия тайинланди.

Темирхон Муҳторов ҳозир «Фарғона дарвозаси» курилишидек улкан ишни бошлаб юборган.

Яқинда Ўзбекистон ва Америка савдо корпорациясининг бошлиғи Абдурау Мақсудий «Фарғона дарвозаси» курилишига сарф қаражатлар учун 8 миллион сўм ёрдам бераганини билдирди.

Дуьда эгзулик, яхшилик ҳамшира бўлсин, яхшилар сафи, саҳоват соҳиблари кўпаяверсин.

Хамид УСМОНОВ, меҳнат фахрийси, ўқувчи.

ДАВР ДАРДИ

УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ЖАХОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ БАР-ЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ, БАЛИМ ВА ТАЖРИБАНИ БИР.

бир қисм сувини жанубга оқизиш, Каспий денгизидан сув олиб келишга таалуқли тақрифлар тевариғида кўпдан буюн сўз юртилимоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари илгоҳи олимлари Ҳинд, Ганг дарёларини Оролга қўйилувчи дарёлар билан туташтириш, шу тариқа ортиқча сувларини бир қисмини Орол денгизига ҳавасига бурниб юборишга долр таъминларни илгари суришмоқда. Албатта, бу сингари тақрифлар комплекс тадиқотларни, шунингдек, давлатларро ва халқро манфатдорлигини тақозо этади.

Маълумки, кейинги йилларда минтақада экологик мувозанатни тиклашга қаратилган кўпгина қарорлар қабул қилинди. Лекин уларнинг ҳеч бири тўла ҳажмида бажарилгани йўқ. Совет Иттифокининг барбор бўлиши, таркиб толган иқтисодий алоқаларнинг узлиб кетиши, давлатлар мустақиллигининг янги жараёнлари муносабат билан бу режалар рўйбга чиқарилмай қолди. Лекин, аслини олганда, сувдан фойдаланувчиларнинг фаолиятини ривожлантириш шартини қўйиш меканизми ишлаб чиқилмаганлиги биз ҳозирда рўйбга келиб қолган экологик, санитария-эпидемиология тағлиқининг асосий сабабидир. Оролнинг тоза сувга бўлган ҳуқуқини муҳофазалаш тадбирларини рағбатлантирувчи иқтисодий омилиларга ҳамон эга эмасмиз.

Натижада захарли, зарарли, ифлос оқоваларни дарёларга оқизиш давом этмоқда. Суғорилмаган майдонлар кенгайтирилди. Ҳозир сувини тежовчи технологиялар, экинларни ёлғир ёғдириб, томчилатиб,

вало, Россия Федерациясининг амалий ёрдемисиз бартараф этиш мумкин эмас. Орол ва Оролбўйи муаммоларини бартараф этишга таалуқли тақрифлар орасида «Сув лойиҳалари бирлашмаси, Урта Осиё ирригация илмий-ишлаб чиқариш бирилмаси (САНИИРИ) ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш кенгаши ишлаб чиққан тўб-асос моҳияти ва амалийлиги жиҳатидан диққатга сазовор. У Орол ҳавасидидаги мустақил давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққити устиворлигига, минтақа аҳолисининг сифатли озик-оқват, ичимлик сув, соғлом табиий муҳитга эҳтиёжини қондиришга асосланган. Бу лойиҳа оқоваларни тозалашдан бошлаб, ирригация-мелiorация таъминларини ташкил, сув оморларидан фойдаланишни ортиқча сувларни оқибат дарёларининг кўзда тутди. Хусусан, Амударё мансобида келганимизда, лойиҳа унинг ягона экологик таъминини тиклаш ва барқарорлаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларини кўзда тутди. Чунки, Амударё мансоби ҳавасида 3 куб километр ҳажми суви қўл берпоти этиш мўмкинлиги мумкин. Шунинг учун Фарбда Урга қўрғонидан бошланиб, Шарқда Оқибетдан архипелагини туташтирувчи тўғон қурилади. Унинг узунлиги 225 километр, бандлиги 6—7 метр бўлади. Тўғоннинг юза қисмида 100 метр кенлигида дарҳазор барпо этилади, у сув оморни кўриб биргалликда бутун тевакар-атрофини қўриб бораётган денгиз тубидан кўтарилаётган шўр чанг-тўзондан муҳофазалайди. Бу ишлар маҳаллий аҳолини умидсизлик

ва натижасиз кўтишлардан халос этиб, бутун мансаб экологиксини соғломлаштиради. Янги сув оморни Суручье қўли билан қўшилиб, 250 минг гектарлик саҳнини эгаллайди. Унда балкичлик, мўйначилик, тевакар-атрофда эса деҳқончилик ва ялвоқ чорвачилигини ривожлантириш мумкин.

Хўш, бу тақрифнинг муялли эканлиги нимаде? Бошқа лойиҳалар, ўзгача ёндашувлардан қандай устиворлигига эга? Эндиликда кенг илмий ва амалий жамоатчилик бу тўб-асосни тобора қувватлантиришини асосли сабаблари бор. Гап шунданки, Орол денгизининг ҳозирги сатҳини сақлаб қолмиш учун қўйилган 30—35 миллион куб метр сув қўйилиб туриши керак. Чунки бу денгиздан ийлига шунча сув бўлганиб турибди. Ҳолбуки, сўнгги беш-оли йил мубоинада Орол йилига Уртача 8—10 миллиард куб метр сув олиб қолди. Албатта, бу йил бундан муастасо. Йил охирига денгизга 30 миллиард куб метр атофода сув ўтиши кўтиломоқда.

Демак, биз қанчалки суви ўтказиш Оролга зарур миқдордаги суви ўтказиш муҳим ва зарур бўлиб қолса беради. Мустақилликнинг аниқ ҳисоб-китоблари сувини тежаш технологияларни тўла қўлланганидан тақдирда ҳам Оролга ўтказилганидан сувини арағи 20—22 миллиард куб метрга етказишимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Иккинчи томондан эса, сувга эҳтиёж ортиб борапти. Аҳоли кўйилимоқда. Шаҳар ва қишлоқларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун водопроводлаштириш суръати ўсаяпти. Бинобарин, денгизга зарур миқдордаги сув тушмайди. Шундай бир шароит мавжуд сув ресурсларидан ниҳоятда оқилана, самарали фойдаланишимиз керак. Бугун ўзгача амалий йўл йўқ.

Нукус Халқаро илмий-амалий конференциясида баён этилган мулоҳазалар доираси ниҳоятда кенг бўлди. Муҳимини шунданки, бу анжуманда минтақадаги экологик тағлиқини бартараф этиш йўлида амалий қадамлар қўйиш пайти келганили алоҳида қайд этилди. Анжуман резолюциясида Орол ва Оролбўйи муаммоларини яхлит бир бутунлиқда ҳал қилиш кўзда тутилди. Конференция қатнашчилари Урта Осиё мустақил давлатлари, Қозғоғистон, Россия Федерациясининг амалий ёрдемисиз бартараф этиш мумкин эмас.

• Нодира ОФТОБИ РЎЗИ ҲИЖРОНИМ ҚАНИ?

Республикамизда 200 йиллик тўғи таитана билан нишонланаётган машҳур ўзбек классик шоираси Моҳларойим Нодирабегим Макнуна таҳаллуси билан форс тилида барқалъадан яқин келди, беш минг йиллардан олдинроқ форсий ғазаллар жерос қолдириган. Адабиётимиз тарихида сермақсул жодкор ва эҳсонли шоира сифатида Нодирабегим ушбу Навоидан кейинги форсий ўрнлардан бирини эгаллайди. Мен шоиранинг форсий шеърлари таржимаси билан ўн йилдан бери шуғулланаман. Юбилей муносабати билан «Езувчи» нашриёти унинг форсий ғазаллар гулдastasини нашрга тайёрламоқда. Шоиранинг қўйидаги форсий ғазаллари таржимаси илк бор эътиборингизга ҳавола этилаётир.

Мутаржим Олим БҮРН.

Соғинг қадаҳ тўлдир, мавсуми баҳор келди,
Барги гул насимидин бўйи васли ёр келди.
Гул очилди гулшандир, шамъи дола равшандир,
Гулстон нишмандир, бода ҳушғузур келди.
Масти ноз майғуши, гулғишон бару дўши,
Лолагул қобулўши, сария гулғузур келди.
Ғарқи баҳри савдоман, махв то саропоман,
Вағрима кириб гултан, шоҳиди ифोर келди.
Кетти айри кўлардин, қон тўкиб гули рўйинг,
Бу ҳадиқа шабнамдин, чашми ашбор келди.

Сенсиз эй гули раъно, кеча мен чаман бордим,
Сарани лиғун кўрдим, гул-кўзимга хор келди.
Иштиёқи жавлони йиғларимга шўхлиқдир,
Мижжада қатор ашқим тифли найсвор келди.
Дайри ишқ ародир ул, руҳфазо майи қул-қул,
Дарди сар эмас гул-гул, наътайи ҳумор келди.
Жони ўртаниб шамдек Макнуна адо бўлғай,
Хар кима бу мақфида аран эътибор келди.

Ераб, ул шамъи шабистоним қани?
Офтоби рўзи ҳижроним қани?
Шоми ҳижрон кудбам ичра қўрқаман,
Тийраду, хуршиди тобоним қани?
Етти даврондин бу кун жабри фироқ,
Додхоҳман шоҳи давроним қани?
Жон олиб қафимда юз қаёғу била,
Этгамен таслим, жононим қани?
Шаҳриримдан нетай бўлдим жудо,
Бир чумолиман, Сулаймоним қани?
Кўйлағининг бўйи келдию узоқ,
Юсуфи Мисройи Канъоним қани?
Содек қонди оёғим остида,
Ераб, ул сарви хирмоним қани?
Макнуна қалбиди тамнинг лашкари,
То қилур имдод, султониим қани?

Санд АНВАР

ЯНГИ БАЙРАМ АНЪАНАСИ (ҲАЖВИЯ)

Одатдагидай бошлққ ҳузуридаги катталарнинг кичкина йиғилишидан кейин ичкиларнинг катта йиғилиши бошланди.

— Улғитимизни англаш даври келди, ўртоқлар, — бошлққимиз гап бошлади. — Унутилган анъаналаримиз, маросимларимиз қайта тикланмоқда. Аммо биз ҳануз ғайрат уйқусидамиз.
— Тўғри! — Уринбосарларидан Муллаурсун гапни илби кетди. — Масалан, яқинда Наврўз байрами кенг нишонланди. Рамазон ҳайити эса умумхалқ байрамига айланмоқда. Узимизнинг орамиздан янги байрамлар ташкил қилиш учун ақалли битта тақлиф айтилгани йўқ. Унутилмаган анъаналаримиз озми, камми! Мисол учун — Муллаурсун бурнини тортиди, — уй тўғи — халқимизнинг ақолиб маросими бўлган. Мана, шунини жамоамизда йўлга қўйсак бўлмайдики! Ҳудуд яқин бўлади, менимча. Уй тўғи жуदा аломат бўлган, мен сизларга айтсам.

— Бизам бу фикрларга юз фозиз замиз! — партоқимиз Тилволди ҳам бўш келмади. — Фақат мумкин қадар мажмур тантанани эскилик саритларидан холи қилиб ўтказиш керак. Масалан, илгарги мезбон уй тўғига оғлаб тайёргерлик қўрган бо зор-ўнар қилган, қозон-товоққа югурган, стол тузатган... Буларнинг ҳаммаси эскилик саритини, ўртоқлар!
— Иккираат гапиринг, қонқрат, — бошлққимиз столи уриб лўқма ташлади. — Қандай янғича!

— Мезбонни уринтирмасдан уй тўғи ўтказишни ўзимизга олайлик. Бозор қилишимиз, стол тузатишимиз, мезмон кутуш ва кузатишимиз!

— Моддий томондан қайгурмасам ҳам бўлади, — Тилволди давом этди. — Касаба уюшмамиз жаракжарак пулларин «босиб» ётибди. Шунда кунимизда ишлатмасам... Бозор-ўнар уюшма рансини қўямиз. Бошқа ташкилий ишларга ҳўжелелик муддир бош-қош бўлади.
— Мендаям битта тақлиф бор, — цех бошлққларидан бири гапга аралашди. — Цехлар, бригадалар ноиндан алоҳида, алоҳида совғалар ташкил қилиб, бу нарсаларнинг ранг-баранг бўлиши учун ҳам кенгашиб оласан. Масалан, иккита рангли телевизорни мезбон нима қилади! Еки учта видеомагнитофон ҳам мезбонга ортиқча даҳмаза. Совғаларни қатъий рўйват бўйича, ўзаро тақсимлаб олайлик.

— Яхши тақлиф, яхши тақлиф, — бошлққимиз жийлайдди. — Совга-саломларни ҳисоб-китоб қилиб туршига бирон кишини тайинлаш керак. Чунки мезбон уринмасин, дейман-да, ёзиб-чишиб...
— Тўғри, ҳақ гап! — дейишди атрофдагилар.

Хуллас, йиғилиш қарори бир овоздан тасдиқланди. Инданга бошлққимизнинг уй тўғиларини ўтказишга вазделашиб тарқалди.

БАХТИЁР—БАХТИ ЁР

Ушбу филмда мунгли қўшиқ садолари беҳол тоғларга қувват бағишлайди. Осмон гўлбазини эслатувчи қадимий тилхона деворлари қўшиқ садосини эшитиб титраб кетгандай бўлади. Бу садо гоҳ бағлида тоғлар қолларига урилиб, акс-садо берса, гоҳ қадим Туркистоннинг қўшна харобалари ўзра янграйди. Бу қўшиқнинг номи номалғум.

Аммо унда озодликка, истиқлолга ташна ақдодларнинг овози барҳан. Ёзуғуси авлоду — фарзандларининг тақдирдан безовта довишманднинг ўғитлари хонанда овозио созида мисли фарёд янги янграйди. Бу қўшиқни Бахтиёр куйламоқда.

«Ўзбектеlevision» киностудиясида суратга олинган «Бахтиёр» номли фильмнинг бош қаҳрамони севимли хонандамиз Бахтиёр Холхўжаевдир. Санъаткор ўзининг ажойиб лирик қўшиқлари ва сўнгги йилларда яратган ижтимоий-сиёсий руҳдаги муножотлари билан халқимиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Унинг ижросида янграган улғу Аҳмад Йосафий ҳижматлари, мардона Чўлпоннинг истиқлол оловига чорловчи қўшиқлари ҳақиқий санъат ихлосмандларининг маънавий мулкига айланган.

Ушбу филмда ана шундай улғуларимиздан ташқари замонамизнинг забардаст шоирлари Рауф Парфи, Нормурод Нарзуллаев, Саъдулла Ханим шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ҳам жанранглайди.

Санъаткорнинг мухлисларида катта қизиқиш уйғотган ушбу фильм «Бахтиёр Холхўжаев тугилиб ўсган Ўзбекистон вилоятининг Гараша қишлоғида, Зомин ва Фориш адирларида, Самарқанд, Тошкент, Туркистондек қадимий шаҳарларда суратга олинган. Постановкачи-режиссер Шухрат Хўжаев, сценарий муаллифи эса истеъдодли шоир Азим Сўндиёр.

Ушбу филмнинг, истеъдодли санъаткорлар ҳаёти ва ижодини кенг қўламада ёнатиладиган бу фильм кинофильмлар ҳаёти ҳам қўшиқ умридек мангу бўлиб қолади.

СУРАТЛАРДА: «Бахтиёр» фильмидан лавҳалар.



Ҳар тоши тарих сўзлайди

Хоразм воҳазининг тарихи теран, урф-одат ва анъаналари гўзал, бетакрор табнати гарчи хаста бўлса-да мағдурок.

Қадимий ўзганин нўриш, тамона қилиш ва ўрганишга ихлос ихлосиятда катта Воҳа ҳар йили Ўзбекистон ва хоризий эллардан келадиган ўн мингларча зиёратчиларга меҳмоннавозлиқ кўрсатади. Осори-атиқалар маскани — Хива, эрамингача бўлган бой кечмишларимиз тўғриси — Қалъажиқ ва Ҳазорат қалъалари, шунингдек, Кат, Варазминг қадимий пойтахти — Қўҳна Урганч, Амударё ва Тушмуўин сувғий денгизи соҳиллари, Қизил-

қум ва Қорақум саҳролари сайёҳлар наҳамжоси.

Бирон ахлит музейлар, динқатга сазовор маскантон ва дўбига айланган воҳада биронта ҳам тарих-ўнашунослик кўргазмаси йўқлиги мезбонлар дилини ҳижин этиб келарди. Янги-қадимий музейи эшикларини очилди. Қўргазмалари 9 та томоша залига жойлаштирилган 2 мингдан зиёд нодир ашёлар, буюмлар, асбоб-анжом ва ҳужжатлар, жонли ва жонсиз табнат намуналари Қўҳна Хоразм-

ЭСКИ ШАҲАРДА ЯНГИ БОЗОР

АНДИЖОННИНГ эски шаҳар ҳудудига янги бозор биноси қад кўтарди. 300 ўринли савдо раста-

топширилди. Бино қарши-сига келтирилган юкни пештахтага олиб бориш учун мосламалар ўрнатилди. Айни кунларда бозорнинг навбатдаги қисми қуриллапти. Ф. ШОДМОНАЛИЕВ. «Халқ сўзи» муҳбири.

Э Ё Л О Н Л А Р

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, ҚОЛХОЗ ВА СОВХОЗ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИЗЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ УЮШТИРАЁТГАН САВДО ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Ярмарка 1992 йил 12-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳри Чехов кўчаси 18 уидаги 8-Тошкент тажриба-таъмирлаш заводида ўтказилади. Унда қўшидаги маҳсулотларни сотиб олишингиз мумкин:

- Турли маркадаги автобуслар ва автомобиллар, жумладан, Минск автозаводи маҳсулотлари;
- «Ўзавторемонт» бирлашмасининг таъмирлаш заводларида тайёрланган прицеп ва ярим прицеплар;
- гараж буюмлари ва ностандарт ускуналар;
- айвон учун жиҳозлар;
- ГАЗ, ЗИЛ, МАЗ автомобилларининг эҳтиёт қисмлари, двигателлари. Ярславл мотор заводининг двигателлари;
- резина-техника буюмлари;
- халқ истеъмоли моллари;
- Тошкент шина таъмирлаш заводи ва Чимкент шина заводининг автошиналари.

Ҳаммаси бўлиб 1 миллиард сўмлик маҳсулот.

СИЗ САВДО-ЯРМАРКАСИДА 1993 йилда АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, УЛАРНИНГ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ЕТКАЗИБ, БЕРИШ, ГАРАЖ ЖИҲОЗЛАРИ ВА НОСТАНДАРТ УСКУНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО-ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОҚ ЭТИШГА ШОШИЛИНГ.
РЕКЛАМАЛАРИМИЗНИ ЎҚИБ БОРИНГ.

Маълумотларни қўшидаги манзилдан оласиз:
Тошкент шаҳри, 700015, Чехов кўчаси, 18.
«Ўзавторемонт» бирлашмаси
Телефонлар: 33-13-84, 33-53-68

«СЭНДВИЧ»НИ ТАНЛАНГ, ЮТАСИЗ



Сиз истиқлолдан цех, омбор, гараж, устакана ёки фақат ўқиниб бошқа нарсани қурмоқчимизми?

У ҳолда «Сэндвич» туридаги панелларни танласангиз хато қилмайсиз.

Бу янги қурилиш материал — 6x1,1 метр ҳажмдаги икки томони пўлат билан қопланган минерал молиқ. У зангламайди ва ёнгиндан ҳафсиздир. Қурилиш устуларига осонлик билан ўрнатилади.

«Сэндвич» туридаги панелларни ишлатсангиз нафақат вақтдан, балки қурилишга кетадиган харажатлардан ҳам тежаб оласиз. Бундай панеллардан қурилган уйлар замонавий кўриниши ва қўлайлиги билан ажралиб туради.

МАНЗИЛИМИЗ: 700015, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 73 «б».
ТЕЛЕФОНЛАР: 54-92-50, 54-88-48.

ОЛМАЛИҚ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ КОМБИНАТИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ АРЗОН НАРХЛАРДА СОТАДИ:

- асфальт, шлакоблок тайёрлашда ишлатилган (0—5 мм катталиқда) қум. 1 тоннаси 25 сўм;
- мрамор қолдиқлари (5—10 мм катталиқда). 1 тоннаси 106 сўм;
- 10—20 мм катталиқдаги, биноларнинг ички қисмини безашда ишлатилган мрамор. 1 тоннаси 85 сўм;

- 188x190x300 мм ҳажмдаги йўнилган тош. 1 донаси 5 сўм 60 тиини (битта тош 7 та пиширилган гиштининг ўрини босади);
 - 1000x2200x400 мм ҳажмдаги блоклар. 1 м. кубу 630 сўм;
 - девор блоклари. 1 м. квадрат 404 сўм.
- МАНЗИЛИМИЗ: Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 1 «а», а/я 8.
Телефон: 3-18-41.
Телегап-116718 «МРАМОР».

Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати етакчи қонсултант Ю. Шодиметова ўғли
БАҲОДИРНИНГ
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш ҳамда экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъсул ходими Ю. Шодиметова ўғли
БАҲОДИРНИНГ
бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

«ЭКОСАН» Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси жамоаси жамғарма президенти Юсуфжон Шодиметова фарзанди

БАҲОДИРНИНГ
бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон чернobilчиларини республика ассоциацияси ассоциация раиси А. Исомхўжаевга отаси Маҳмуд ИСЛОМХЎЖАЕВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808. Буюртма Г—187.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бosh муҳаррир Анвар ЖУРАБОВ.
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАХРИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУХИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бosh муҳаррирининг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бosh муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бosh муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СҮЮН, Александр ТЮРИКОВ (бosh муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУҒОВА (бosh муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамис ФАРҲОДИН, Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхорр ФУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳририятга ҳақини 7 қозондан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.